

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ ЎКТАМ ИКРАМОВИЧ

ЁҒОЧ ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ
ОЛОВБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Рустамов Ўктам Икромович

Ёғоч қурилиш конструкцияларининг оловбардошлигини
ошириш5

Рустамов Уктам Икромович

Повышение огнестойкости деревянных строительных
конструкции.....21

Rustamov Uktam Ikramovich

Increase of fire resistance of wooden construction.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

РУСТАМОВ ЎКТАМ ИКРАМОВИЧ

ЁҒОЧ ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ
ОЛОВБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1226 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедғалиев Бахтиёр Абдукадирович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нуркулов Файзулла Нурмўминович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Сатторов Зафар Муродович
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

**ЎЗР ФА УНКИ “СТРОМ” илмий-тадқиқот
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» август соат 10.00 да архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.:(99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 43 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.:(+99871) 235-43-30; факс:(+99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz). факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «1» август куни тарқатилди.
(2020 йил «30» июндаги 8-рақамли реестр баённомаси).

А.А. Тўлаганов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Х. Камиллов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.А. Ходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда ёғоч, целлюлоза ва бошқа табиий, синтетик полимерлар асосида экологик хавфсиз, оловбардош қурилиш конструкцияларини ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиялари қурилишда муҳим ўринни эгалламоқда. Ёғоч қурилиш конструкция ва материаллари учун самарадор оловбардош таркибларини яратиш, тузилишларини амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ва уларни иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўллаш муҳим ўрин эгалламоқда. Ёғоч қурилиш конструкция ва материаллари учун оловбардош таркибларни яратиш тизими ёғочга ҳар хил алангага чидамли гуруҳлар ва тўлдиргичлар қўшиш имконини бермоқда. Айниқса оловбардошлиги юқори қўшимчаларнинг янги турларини яратиш, уларни алангага ва иссиққа чидамли ёғоч қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг энергия ва ресурс-тежамкорлигини таъминлаш, ёғоч материалнинг сув ва биологик парчаланишга чидамлик хоссаси, термик барқарорлиги, эксплуатация шароитларига бардошлилиги, технологик каби хоссаларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон миқёсида юқори физик-механик ва технологик хоссаларга эга оловбардош ёғоч материалларининг таркибларини оптималлаштириш, уларни ишлаб чиқариш технологияларини яратишга кенг эътибор қаратилмоқда. Ёғоч конструкциялари учун полимер таркибли оловбардош таркибларнинг физик-кимёвий хоссалари, термик барқарорлиги, сув ва биологик унсурларга қаршилиги ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш мақсадида уларнинг таркибига оловга ва иссиққа бардош тўлдиргичлар қўшиш, фаол гуруҳлар компонентларини кимёвий боғланишини ўрганиш, оловбардошлик ва термик парчаланиш жараёнини мақсадли бошқариш, юқори мустаҳкамликка, термик барқарорликка эришишни таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, табиий хом ашё материалларини иқтисод қилиш ва маҳаллий хом ашёлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконини берувчи ресурс ва энергия тежамкор янги қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш» га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Мазкур вазифаларни бажариш, шу жумладан маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган оловбардош, термик ва биологик мустаҳкам тўлдиргич ва қўшимчалардан ишлаб чиқаришда фойдаланиб, оловбардош қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш муҳим вазифалардан

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 - сонли “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаби юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон қарори, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II.«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда кейинги йилларда қурилиш материаллари соҳасида бир қатор олимлар томонидан оловбардош ёғоч қурилиш конструкциялари ва материалларининг структураси ва хоссаларини шаклланишининг умумий қонуниятлари аниқланган ҳамда технологиясининг асослари ишлаб чиқилган. Оловбардош ёғоч қурилиш конструкция ва материалларининг таркиблари ва технологияларини яратиш бўйича хорижий олимлар А.А. Берлин, Н.С. Ениколопов, Н.М. Эммануэль, Г.Е. Заиков, Н.А. Халтуринский, З.А. Роговин, К.С. Минскер, Б.Э. Геллер, Н.Н. Ксандопуло, В.И. Кодолов, И.В. Ляпунов, В.И. Лалаян, З. Виллард, С. Вондра, Т. Уэда, Е. Имамюра, В. Фенимор, С. Чой ва бошқалар шуғулланиб, ушбу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Юртимиз олимлари оловбардош ёғоч қурилиш ва полимер композицион материалларнинг таркибини ишлаб чиқиш, структура ва хоссаларини яхшилаш, ишлаб чиқариш технологияларининг самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганишда бир қатор тадқиқотлар олиб борганлар. Ушбу соҳа Х.У. Усмонов, С.С. Нигматов, А.Т. Жалилов, Ғ.Р. Рахмонбердиев, М.М. Содиков, Ф.Х. Султонов, Ф.А. Магрупов, Н.А. Самигов, Б.А. Мухамедғалиев, Ф.Х. Нурқулов, М.У. Каримов З.М Сатторов ва бошқаларнинг турли йилларда олиб борган тадқиқотларига кўра ривож топди.

Ёғоч ва ёғоч қурилиш материалларини оловбардошлигини оширишда ишлатиладиган ўтга чидамли қўшимча таркибига турли хил фосфор, азот, сурьма каби фаол гуруҳларни қўшиб, қурилиш материалининг сиртки қатламининг оловбардошлик хоссаларини яхшилаш мумкинлиги, бундан ташқари оловбардош таркибни суяқ холда ёғоч қурилиш конструкциялари ва материалларига шимдириш йўли билан оловбардошлигини ошириш имконини мавжудлиги аввалги тадқиқотлардан маълум. Бироқ, Республикамизда ёғоч қурилиш конструкциялари ва материаллари учун полимер табиатли самарали оловбардош таркибларини ишлаб чиқаришга қаратилган илмий тадқиқотларда, жумладан «ёғоч қурилиш материали –

оловбардош таркиб – кўшимча» тизимида табиий полимер хисобланадиган ёғочнинг структурасини шаклланиши, оловбардош таркиб ва фаол кўшимча асосида оловбардошлик хоссаси юқори, сув, биологик ва термик барқарор қурилиш материаллини олиш технологиясини такомиллаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаганлигини ва янада кенгроқ тадқиқ қилишни талаб этилаётганлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Х/Ш №19-17 «Саноат техноген чиқиндилари асосида антипирен, стабилизатор ва полифункционал кўшимчаларни ишлаб чиқиш» (2015-2019 йй.) мавзусидаги хўжалик шартномаси ҳамда ДА Ф-4-55 «Оловбардош қурилиш материалларини техноген чиқиндилар асосида олишнинг назарий асосларини ривожлантириш» (2014-2018 йй.) мавзу бўйича олиб борилган фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ёғоч қурилиш материаллари ва конструкцияларининг оловбардошлигини оширишнинг самарали, энергиятежамкор усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кимё саноати чиқиндилари асосида олинган оловбардош таркибларни ёғоч қурилиш конструкцияларининг оловбардошлигини шаклланиши ва физик-кимёвий хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш;

полимер таркибли оловбардош таркибларнинг ва ишлов берилган ёғоч қурилиш материалларининг технологик, термик барқарорлигик ва физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш;

полимер таркибли оловбардош таркиблардан фойдаланиб, турли оловбардош ёғоч қурилиш конструкция ва материаллари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва тадбиқ этишнинг техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида полимер таркибли оловбардош таркиблар асосида тайёрланган оловбардош ёғоч қурилиш конструкцияси ва материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кимё саноати чиқиндилари асосида олинган оловбардош таркиблар асосида тайёрланган ёғоч қурилиш конструкция ва материалларининг физик-кимёвий, биологик, физик-механик ва техник-иқтисодий омиллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимё саноати чиқиндилари асосида олинган оловбардош таркиблар ва улар билан ишлов берилган ёғоч қурилиш конструкциялари ва материалларининг хоссалари физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларида, дифференциал-термик ва ИҚ-, ПМР- УБ-спектроскопия, элемент таҳлили, оловбардош таркибнинг сифат кўрсаткичлари ва хоссаларини ўрганишнинг стандартлаштирилган усулларида ҳамда оловбардошлик хусусиятини оптималлаштиришни математик усулларида ва экспериментлар натижаларини статик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёғоч қурилиш материалига техноген чиқиндидан олинган оловбардош таркиб билан ишлов бериш натижасида олов- ва биобардошлик каби янги хоссаларининг шаклланиши асосланган;

кимё саноати чиқиндилари асосида олинган полимер оловбардош таркибларнинг структурасидаги фаол Р-О, С-СІ гуруҳларнинг миқдори ва таъсирини ҳисобга олган ҳолда қурилиш материалининг оловбардош ва термик барқарорлиги оширилган;

полимер оловбардош таркибларнинг эритмалари концентрацияси ва ишлов бериш давомийлигига боғлиқлигини ифодаловчи самарадор математик модель ишлаб чиқилган;

кимё саноати чиқиндилари асосида олинган полимер фаол (Р-О, С-СІ) функционал молекулаларни ушлаган таркиблар билан ишлов берилган оловбардош қурилиш материалларини ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кимё саноати чиқиндилари асосида олинган полимер оловбардош таркибларнинг ёғоч қурилиш материаллари учун энергия ва ресурс тежайдиган мақбул таркиблари ишлаб чиқилган;

олинган полимер оловбардош таркиблар билан ишлов берилган оловбардош қурилиш материалларини ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг замонавий воситалар ва стандарт усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тажрибаларнинг қурилиш меъёр ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблигини ҳамда ишланманинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полимер табиатли оловбардош таркибни табиий полимер ҳисобланмиш ёғоч материаллари тизимида фазалараро ўзаро юқори таъсирлашиш табиатига эга оловбардош таркибини асосланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, оловбардош таркиб ёғоч материалининг сиртки, ички қатламининг биологик, технологик, адгезион, термик барқарорлик каби хоссаларини яхшилашига хизмат қилиши ва бу борада арзон, экологик тоза оловбардош таркиб асосида самарали оловбардошлиги юқори бўлган қурилиш конструкция ва материалларини ишлаб чиқишга хизмат қилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёғоч қурилиш конструкцияларини оловбардошлиги ошириш бўйича илмий натижалар асосида:

кимё саноати чиқиндилари асосида олинган полимер оловбардош таркиблар Тошкент шаҳридаги “INTERMEBEL” ОАЖ ҚК да корхонасида оловбардош ЁҚП материалларини ишлаб чиқаришда жорий қилинган

(Ўзбекистон Республикаси “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2019 йил 15 ноябрдаги 05/15-2916-сон маълумотномаси). Натижада елим қатламининг мустаҳкамлигини 3 мартага ошириш имконини берган;

кимё саноати чиқиндилари асосида олинган полимер оловбардош таркиблар Тошкент шаҳридаги 12-ТРЕСТ корхонасида оловбардош ЁҚП материалларини ишлаб чиқаришда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2019 йил 15 ноябрдаги 05/15-2916-сон маълумотномаси). Натижада 10-15% иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 8 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 10 та мақола, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан 5 та хорижий ва 5 та республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотларининг долзарблиги асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мос келиши кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ифодаланган, тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги таъкидланган, тадқиқот ишлари натижаларининг апробацияси ҳақида маълумотлар ва диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий мақолалар, шунингдек, диссертация структураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёғоч қурилиш конструкцияларининг оловбардошлигини ошириш муаммосининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида илмий муаммонинг замонавий ҳолатига берилган аналитик шарҳлар ва изоҳлар келтирилган. Бунда турли ёғоч қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлигини оширишда антипиренларни қўллаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ёғоч ва ёғоч қурилиш материалларини оловбардошлигини оширишда сирт қатлами ва ички химоя орқали оловбардошлигини, сув, биологик парчаланиш ва бошқа амалий хоссаларини яхшилаш мақсадида, ёғоч материаллари таркибига турли хил фосфор, азот, бор, сурьма элементлари антипирен сифатида қўшилади. Антипиренлар алангани таъсирига чидамлиликини оширади ва ёғоч целлюлозаси билан борадиган

поликонденсация жараёнини тезлаштиради. Ички химояда эса оловбардош таркиб карбамид формальдегид смоласини сарфини камайтиради ва ёғоч қипиқли плиталарни бутун масса ҳажми бўйича оловбардошлигини ошириши мумкин. Бундан ташқари елим таркибига антипирен киритиш қўпол ишлов берилган ва ғовакли юзаларни тўлдириб, бир хилда елимланишини таъминлайди, қотириш жараёнида смолали қатлам ички кучланиши билан смоланинг киришишини камайтиради.

Илмий изланишлар натижасига кўра ёғоч қурилиш конструкция ва материалларининг оловбардошлигини ошириш учун уларнинг сиртки ва ички қатламга паст ва юқори молекулали антипиренларни қўшиш йўли билан эришиш мумкин, чунки антипиренлар таркибидаги фаол гуруҳлар ёғоч целлюлозаси компонентларини кимёвий боғланишини яхшиласа, фосфор, азот, бор ва сурьма элементлари ёғоч конструкциясини ёниш жараёнида ички ва ташқи парчаланишда сақлайди ва ёнғинлар содир бўлмайди. Шунингдек кимё саноати чиқиндиси асосида олинган полимер табиатли оловбардош таркиб ва антипиренларни ёғоч қурилиш материаллари сиртки ва ички қатламни химоя қилиш янги полимер антипиренлар яратиш имконини беради.

Диссертация ишининг мавзуси бўйича келтирилган адабиёт манбаларини таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг илмий ишчи фарази, мақсади ва вазифалари аниқланди.

Диссертациянинг илмий ишчи фарази: Кимё саноати чиқиндилари асосида полимер табиатли оловбардош таркиблар олиниб ёғоч қурилиш конструкция ва материалларини оловбардошлигини, термик барқарорлигини ва физик-механик хоссаларини кескин яхшилади.

Диссертациянинг **«Оловбардош таркибларни синтез қилиш ва уларни тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ёғоч қурилиш конструкциялари ва материаллари учун полимер табиатли оловбардош таркиблар танланди. Ёғоч қурилиш конструкциялари ва материалларининг, шунингдек улар билан ишлов берилган ёғоч қурилиш материалларининг оловбардошлик ва физик-кимёвий хоссалари келтирилган.

Ёғоч қипиқли плиталарни тайёрлаш учун КФМТ карбамид-формальдегид смоладан (ГОСТ 14231-88) фойдаланилди.


Диссертация ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тадқиқот методлари асосланган ҳолда танланди. Экспериментал тадқиқотларда стандартлаштирилган физик-механик методлар билан бир қаторда физик-кимёвий таҳлил методларидан, хусусан, оловбардош таркибнинг структурасини ўрганишда элемент таҳлили ва дифференциал термик таҳлиллардан фойдаланилди. Бундан ташқари, тадқиқот ишларида карбамид композиция таркибларини мақбуллаштириш учун экспериментларни режалаштиришнинг математик методидан ҳам фойдаланилди.

Бу бобда тадқиқ қилинаётган оловбардош таркиблар ва антипиренларнинг роли ва ахамияти асослаб берилган, сабаби бугунги кунда материалларнинг конструктив хоссаларини ўзгартирмайдиган ёнишини пасайтирадиган кўпгина моддалар яратилгандир. Бироқ бу моддалар паст молекулали табиатга эга бўлиб, уларга миграция, сувда эриш, буғланиш,

полимер боғловчи билан номутаносиблиги, захарлилиги, қимматлиги ва бошқа салбий хусусиятлар хосдир. Келтирилган салбий ҳолатларни бартараф этишнинг бирдан бир йўли бу полимер табиатга хос бўлган антипиренларни кўллашдир. Бундай хусусиятни фақатгина таркибида фосфор азот функционал гуруҳларини ушлаган полимерларгина намоён этади.

Шу асосда, биз эпихлоргидринни (ЭХГ) фосфорит кислотаси билан ўзаро таъсирланиш реакциясини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Эпихлоргидринни (ЭХГ) фосфорит кислотаси билан массада ва турли органик эритувчилар муҳитида кенг ҳарорат интервалида аралаштирганда юқори молекулали бирикма ҳосил бўлади, яъни ўз-ўзидан борадиган сополиконденсация жараёни кетиши аниқланди:



Олиб борилган ИҚ, - ПМР - ва УБ-спектроскопия, элемент анализи, потенциометрик титрлаш натижалари шуни кўрсатадики, олинган маҳсулот чизиқли полимер кўринишига эга экан.

Фосфорит кислотасининг ЭХГ билан ўзаро таъсирланишини характери аниқлаш учун дастлабки компонентнинг УБ-, ва ПМР-спектрлари ўрганилди.

ИҚ-спектроскопик таҳлиллар ёрдамида 760-730, 1100, 1400, 1965 см⁻¹ соҳаларда С-О-Р боғларга хос бўлган ютиш чизиқларини 2500, 3020 см⁻¹ соҳада гидроксил гуруҳларнинг мавжудлигини кўрсатди. Полимернинг ИҚ-спектрида яна С-Сl боғга хос бўлган ютиш чизиғининг, дастлабки мономер спектрига нисбатан 1350 см⁻¹ соҳага силжиганини кўрсатди. 850-800 см⁻¹ соҳадаги валент боғ чизиғи –ОН-2500 ва 3020 см⁻¹да ҳосил бўлганлиги учун йўқолди. Шунинг билан бирга 1050-1100 см⁻¹да янги интенсив ютиш чизиқлари пайдо бўлди, улар эфир боғи (-С-О-Р-) га хос бўлиб, эпокси группанинг узилиши ҳисобига ҳосил бўлади (1250,930см⁻¹). Жараёни янада сифатли баҳолаш учун дейтерийланган метанолда ПМР-спектроскопияси ҳам таҳлил қилинди.

Поликонденсация жараёнининг боришини кислоталик гуруҳларни потенциометрик титрлаш орқали олиб бордик. Қовушқоқликнинг ўзгариши, водород хлориднинг ажралиши поликонденсациянинг тўғридан тўғри натижаси эканлигини ҳисобга олган ҳолда, бу икки фактнинг ўзгариши поликондинсация жараёнининг тезлигини аниқлашга имкон берди. Олинган натижаларга кўра, фосфорит кислотаси ва ЭХГнинг сополиконденсацияси натижасида ажралиб чиқаётган водород хлориднинг миқдори реакциянинг давомийлигига қараб S-кўринишга эга экан. ЭХГ билан фосфорит кислотаси таъсири тезлигига ҳароратнинг таъсирини (40-70 °С) ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳарорат 10°С га кўтарилиши билан жараён тезлиги 3 мартага ортар экан ва унинг ҳароратининг тескари қийматида боғлиқлиги Аррениус тенгламасига тўлиқ бўйсунуши аниқланди. Сополиконденсациянинг ҳароратга боғлиқлигини ўрганиш орқали жараённинг активланиш энергияси

29,6 кДж/мольга тенглиги аниқланди. Тадқиқ этилаётган реакция иккинчи тартибли кинетик тенглама билан аниқланди, шундай қилиб реакция тезлиги фосфорит кислотаси ва ЭХГ нинг биринчи даражали концентрациясига пропорционал экан.

Энг кичик квадратлар усулида сополиконденсациянинг активланиш энергияси ва термодинамик параметрлари ҳисобланди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Эпихлоргидрин ва фосфорит кислотаси поликонденсация жараёнининг активланиш ва термодинамик параметрлари.

Муҳит	Реакция тезлигининг ўртача концентрацияси, $K_{cp} \cdot 10^{-3} \cdot \text{л/моль} \cdot \text{с}$	$E_{акт.}$ кДж/моль	ΔH^* кДж/моль	$-\Delta S^*$ кДж/(моль град)
Массада	0,258	110,32	102,4	48,4
Этанолда	0,254	88,45	89,6	86,4

Шундай қилиб, олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижасида фосфорит кислотасининг ЭХГ билан поликонденсацияси қонуниятлари ўрганилди, реакция активланиш энергияси, термодинамик параметрлари ва ўз-ўзидан борадиган сополиконденсация жараёнининг бошқа параметрлари аниқланди.

Диссертациянинг **“Оловбардош таркиб билан ишлов берилган ёғоч қурилиш конструкцияларининг олов ва иссиқбардошлик хоссаларини ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида синтез қилинган фосфорли полимерларнинг ўтдан химоя қилиш, оловдан химоя қилувчи таркибининг ёғоч таркибий қисмлари (компонентлари) билан ўзаро таъсирини ўрганиш ва оловдан химояланган ёғоч қурилиш конструкцияларининг ёниш механизмлари ўрганилди. Маълумки, химоя қилинаётган конструкциянинг сифати ва хизмат муддати, уларнинг эксплуатация қилиниши шароитларига боғлиқдир. Шу сабабли, ўтдан химоя қилувчи таркибни яратишда, уларнинг паст ва юқори ҳароратга, намлик, агрессив газ ва буғлар, шунингдек атмосфера таъсирига чидамлилигини ўргандик. Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, ЭХГ ва фосфорит кислотаси асосида синтез қилинган ўтдан химоя қилувчи таркиб, паст ва юқори ҳарорат таъсирига узоқ вақт мобайнида чидамли, ҳидсиз ва токсик хусусиятга эга эмаслиги аниқланди. Ишлаб чиқарилган ўтдан химоя қилувчи таркибнинг ўт ва аланга таъсирига чидамлилигини ГОСТ-16363 (НПБ-251) талаблари асосида ўргандик. Бу усулнинг авзаллиги, ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч намуналарининг иссиқликни аккумуляцияси билан борадиган ёниш синовларида массасининг йўқолишини аниқлашга асослангандир. Тадқиқотнинг натижаси сифатида камида 10 марта олиб борилган синовларнинг ўртача яхлитланган қиймати олинди (1 расм).




1-расм. 1-дастлабки ёғоч намунаси, 2- олов таъсиридан кейинги антипирен билан ишлов берилмаган ёғоч намунаси, 3-саноат антипирени аммофоснинг 3%-ли эритмаси билан ишлов берилган ёғоч намунаси, 4-1%-ли полимер антипирени билан ишлов берилган ёғоч намунаси, 5-3%-ли полимер антипирени билан ишлов берилмаган ёғоч намунаси, 6-5%-ли полимер антипирени билан ишлов берилган ёғоч намунаси.

Синалган таркибнинг шу усул билан аниқланган кўрсаткичига қараб, уларнинг ўтдан химоя қилиш гурухи ва тоифаси аниқланди. Олиб борилган ёниш синовлари шуни кўрсатдики, ёниш натижасида намунанинг йўқотган массаси 9% дан ошмас экан. Ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч намуналарининг ёнувчанлик гуруҳини аниқлашни ГОСТ-30244-90 талаблари асосида олиб бордик. Бунинг учун ёғоч қурилиш конструкцияларининг устки қисмига оловбардош таркибнинг турли концентрацияли эритмаларини суртиш, шимдириш йўли билан химоя қоламаси берилди. Олинган натижаларга кўра ёниш натижасида ҳосил бўлаётган тутунли газларнинг ҳарорати 50 °С дан ошмайди, намунанинг мустақил ёниш вақти 5-6 секунддан ортмайди, намунанинг куйиш катталиги 2-3 см., масса бўйича зарарланиш даражаси 10-12% ни ташкил этар экан. Олинган экспериментал натижаларга кўра, ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч намуналарини қийин ёнувчан II (оловбардош) гуруҳига тегишли деб ҳисобласа бўлади. Полимер табиатли ўтдан химоя қилувчи таркибнинг ҳароратлардаги ўзгарувчанлигини, В.А. Каргин томонидан ишлаб чиқилган термо-механик таҳлил усулида аниқлаш яхши самара беради. Бу усулга биноан, берилган оғирликда ҳароратнинг ортиши билан намуна деформациясининг ўзгаришини аниқладик. Бунда асосий характеристика қилиб, полимернинг таркиби, тузилиши олинди. Шунда ёғоч таркибидаги целлюлозанинг музлаш ҳарорати -220~230 °С эканлиги аниқланди (2-расм).


Тадқиқот натижасида, ўтдан химоя қилувчи таркибнинг биринчи босқичда, ёғоч толасини пластификация қилиши, ёғоч толаси қаршилигини камайтириши ва термик ўзгариш натижасида пластификатор хусусиятини йўқотиши аниқланди. Олинган натижаларни таҳлили ўтдан химоя қилувчи таркибнинг ёғоч қипиқли плитани ҳосил бўлишидаги функциясини аниқ

кўрсатди. Модификацияланган ёғоч толаси эртароқ юмшайди, ўтиш жараёнининг кенглиги, намунанинг кўп компонентлардан иборат эканлигига боғлиқ. Юқори ҳарорат қийматидаги ёйилган 2 эгри чизикнинг характери, ўтдан химоя қилувчи таркибнинг ўзгариши ва уни ёғоч компонентлари билан ўзаро таъсирлашишидан далолат беради. Тадқиқотларда ўтдан химоя қилувчи таркибнинг ёғоч компонентлари билан ўзаро таъсирлашишидан аниқлаш устида изланиш олиб бордик. Юқори ҳароратда пресслаш натижасида, ёғоч таркибидаги паст молекулали гемицеллюлозанинг ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ўзаро реакцияга киришишини аниқладик. Ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч қипиқлари таркибида кескин ўзгаришлар бориши аниқланди. Бу ўзгаришлар целлюлоза қисмини ҳам қамраб олади ва деструкцияни келтириб чиқаради.



2-расм. Қарағай ёғочи толасининг термомеханик эгрлари

Холоцеллюлозани фракциялаганда персионист кислотасини хосил бўлиши аниқланди. Целлюлозанинг эрмайдиган фракцияда фосфор мавжудлиги аниқланди. Бу эса фосфодиэфир боғларнинг ва кўндаланг чокланган боғларнинг хосил бўлганлигидан далолат беради. Ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч толаларида пресслаш босқичида мустахкам боғланган комплекснинг хосил бўлиши, махсулотнинг физик-механик хусусиятларини ортишига олиб келади. Юқори ҳароратда ўтдан химоя қилувчи таркиб билан ишлов берилган ёғоч қипиқлари яхлит бир тизимни хосил қилади. Агарда прессланган плитанинг иссиқ ҳолатда эгилишга мойиллиги юқори бўлса, термик ишлов берилган плиталар эса хаттоки иссиқ ҳолатда ҳам қаттиқ бўлади. 3-расмда ўтдан химоя қилиш механизмларини аниқлашда термогравиметрик тадқиқотларнинг самарали эканлиги ва бунда ёниш жараёнининг ҳар бир босқичини аниқлаш имкони мавжудлиги кўрсатилган. Олинган тадқиқот натижаларига кўра биз қуйидаги жараён схемасини тавсия этамиз. Қиздириш босқичида сорбцияланган газ ва буғларнинг ажралиб чиқиши кузатилади, 3 расмда бу А зонасига тўғри келади. Ёниш жараёни В зонадаги гемицеллюлозанинг парчаланишида хосил бўлаётган махсулотларнинг оксидланишини билдиради. С зонасидаги интенсив парчаланиш, учадиган ёнувчи газларни хосил бўлиши билан тавсифланади.



3-расм. Ёғочнинг термик парчаланиш ва ёниш схемаси.

Лигниннинг термик парчаланиши катта ҳарорат интервалида амалга ошади ва бизнинг фикримизча лигнин кўмир қолдиғининг кейинги ёниш (тутун ҳосил бўлиш) жараёнида иштирок этади. Биз ёғоч материалларининг ёниши бир қанча босқичдан иборат эканлигини эксперимент йўли билан аниқладик, булар: қизиш, ёғоч компонентларининг паст ҳароратли пиролизи, ёнувчи газларнинг ажралиши ва ёниши, қаттиқ қолдиқнинг ёниши. Ёндирганда ёғоч ҳарорат 330 °Cга етканида ёна бошлайди. Пиролиз зонаси мўтадиллашган ёниш жараёнида бир хил тезликда ички қатламга қараб интилади, ташқи қаватда эса кўмир қатлами ҳосил бўлади. Унинг тўлиқ ёниши ёниш зонасига қираётган кислороднинг миқдори билан аниқланади. Ёнғиндан химоя қилиш нуқтаи назаридан ёғоч материалларини алангаланиб ёниш босқичи, иссиқликнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Сабаби, учаётган маҳсулотларнинг ёнишида умумий иссиқликнинг 80% ҳосил бўлса, целлюлозанинг ёнишида эса тахминан 74% иссиқлик ҳосил бўлиши аниқланди. Биз фосфор ушлаган ўтдан химоя қилиш таркибларининг ва антипиренларнинг қаттиқ фазада фаол эканлигини аниқладик (юза ва пиролиз зонасида), бунда улар термик оксидланиш жараёнининг ингибиторлари ва коксланиш жараёнининг катализаторлари вазифасини бажаради. Шу аспектда биз синтез қилинган полимер антипиренларининг физик кимёвий хоссаларини ўргандик. Сабаби, уларнинг хоссаларини билган ҳолда, ёғочнинг ёниш ва пиролиз жараёнларидаги иштирокини олдиндан аниқ айтишнинг имкони бўлади. Ёниш жараёнини ингибирлаш асосан антипиренларни тўғри танлаш ва химоя қилинаётган материалга киритишга, уларнинг мутаносиблигига, суюлтириш ҳароратига, антипиреннинг парчаланишига боғлиқлиги аниқланди. Маълумки, ёниш иссиқлиги, ҳосил бўлиш иссиқлиги ва боғлардаги энергия ўртасида узвий боғлиқлик мавжуддир. Ёниш ҳарорати, кислород индекси ва ёнувчанлик кўрсаткичлари ўзаро боғлиқдир, айрим ҳолларда бу кўрсаткичларнинг симбатли ўзгариши эҳтимоли бор. Экспериментал ва ҳисоб йўли билан топилган маълумотларга кўра, синтез қилинган полимер антипиренларини ёғоч материаллари таркибига киритиш йўли билан уларнинг ёнувчанлигини ва ўтга чидамлилигини ошириш мумкин экан.


Диссертациянинг “Ўтга чидамли ёғоч-қипиқли плиталарни олиш технологиясини ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи бобида оловбардош таркиблар киритилган карбамид-формальдегид елим

композициянинг, ҳамда майдаланган ғўза-поя асосида олинган ёғоч-қипиқли плиталарнинг асосий физик-механик хоссаларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Полимер антипиренидаги фосфорнинг борлиги, структура ҳосил бўлиши ва коксланишнинг ортишини таъминлайди. Бу ҳолат ёниш юзасида минерал катламни ҳосил бўлишига, шунингдек ёнувчанликнинг пасайишига олиб келади. Ёнувчанлик, ёниш ва алангаланиш устида олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, синтез қилинган ўтдан химоя қилувчи таркибнинг айрим амалий хоссаларини аниқлашга киришдик. Бунинг учун ғўза-поя асосида олинган ёғоч қипиқлари ва улар асосида олинадиган ёғоч-қипиқли плиталарни танладик. Бизга маълумки, ЁҚП илмий-техник тараққиётни белгилаб беради, шунингдек у билан боғлиқ бўлган негатив ҳолатни яъни, улардан тайёрланган маҳсулотларнинг ёнишга ўта мойиллигини кўрсатади. Шу мақсадда биз «Максам-Аммофос» ОАЖ чиқиндисини ва ЭХГ асосида синтез қилинган полимер антипиренлари билан карбамид-формальдегид смоласини (КФМТ) модификация қилиш жараёнини ўргандик. Модификация жараёнининг оптимал параметрларини аниқлаш учун дастлабки факторларнинг қуйидаги қийматлари танланди: модификация вақти 60 мин., 120 мин., 180 мин., 240 мин, реакция ҳарорати 50 °С, 60 °С, 70 °С, 80 °С да қотиш вақтини ГОСТ 14231-78 талаб-лари асосида аниқладик. Полимер антипиренининг миқдорини ортиб бориши билан, боғловчи молекуляр массасининг ортиши ва ҳосил бўлаётган паст молекулали фракцияларнинг миқдорини камайиши кузатилади.

Экспериментларни олиб бориш жараёнида, полимер антипиренини КФМТ-смоласини таркибига киритганимизда, паст молекулали антипиренга нисбатан, амалий хусусиятларини кескин ортиши аниқланди. Бу биринчи галда, смола ва полимер антипиренининг мутаносиблиги ва яхши аралашиб кета олиши билан тавсифланади. Бунда, паст молекулали антипиренларга хос бўлган бир қанча салбий ҳолатларни бартараф этишга эришилади. Модификация жараёнини 100 °Сда ва смола таркибига 5% полимер антипиренини киритиш оптимал кўрсаткичларга олиб келиши аниқланди. Дастлабки тадқиқот асосида олинган натижаларни биз ўтга чидамли ЁҚП олиш жараёнида қўлладик. Тўлдирувчи сифатида лаборатория шароитида майдаланган ғўза-поядан фойдаландик. Таҷриба синовлари шуни кўрсатдики, полимер ва паст молекулали антипиренларни композиция таркибига киритиш билан, плиталарнинг физик механик ва амалий хусусиятлари ортар экан.

Олиб борилган изланишлар натижасида майдаланган ғўза-поя асосида ўтга чидамли ЁҚПларни олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқарилди (4-расм). Унга биноан, (1) реактор-модификаторга 11 кг. КФМТ смоласи (а) жойланади, ҳисобланган миқдордаги (0,3 кг) фосфорли полимер антипирени (б) киритилади. 50 °С ҳароратда 30 мин. Давомида аралаштирилади. Сўнгра композицияни реактор аралаштиргичга (3) тўкилади, бир вақтнинг ўзида дозатор (2)дан ҳисобланган миқдордаги майдаланган ғўза-поя киритилади. 5-7 минут давомида яхшилаб аралаштирилгандан сўнг, композицияни лентали транспортерга (4) туширилади, бунда 8-10 см қалинликда гилам ҳосил қилинади ва керакли

хароратгача қиздирилган гидравлик прессга киритилиб, 160 °С ҳароратда, 3,5 МПа босимда, 7 мин. давомида прессланади.



4-расм. Ғўза-поя асосида оловбардош ЁҚПларни олишнинг технологик схемаси. а, б, с – ўлчагичлар, 1 – реактор-модификатор, 2 – бункер-дозатор, 3 – аралаштиргич, 4 – лентали транспортер, 5 – пресс, 6 – вагонетка, 7 – тайёр маҳсулот омбори.

Прессланган плиталарни махсус стеллажларга (6) берилиб, 24 соат давомида то сўнгги катталиқка эга бўлиши (усадка) учун сақланади, сўнгра тайёр маҳсулот омборига (7) юборилади. Шу технология асосида олинган ЁҚП куйидаги кўрсаткичларга эга бўлди (4-жадвал). Шундай қилиб, синтез қилинган полимер антипиренини ЁҚПларни олиш жараёнида қўллаш натижасида ўтга чидамли, юқори физик механик ва амалий хусусиятларга эга бўлган ЁҚПларни ишлаб чиқариш имконини берар экан. Олинган маҳсулотнинг юқори ҳароратга ва алангага чидамлиги, замонавий талабларга жавоб беради (2-жадвал).

Кейинги тадқиқотларда мутахассисларнинг ёниш жараёнини моделлаштириш методологияси кам ўрганилганлиги, эффе́кт хосил қилувчи факторларни ҳисобга олиш ва ёнғинларни хавфини камайтириш ҳақидаги фикрларини умумлаштирган ҳолда, биз кенг сферада самарадорликни ошириш мақсадида бу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилдик.

2- жадвал

Ғўза поя асосида олинган ЁҚПларнинг физик-механик хоссалари

Намуналар	Мустаҳкамлиги, МПа.		бўкиши, %	Сув ютиши, %	Ёниш тезлиги. сек
	эгилиш	Пластдаги узилиши			
Саноат намунаси	19,3	0,40	20,1	37,3	116
1-%ли полимер антипирен билан модификацияланган.	24,1	0,7	16,2	34,2	152
2-%ли полимер антипирен билан модификацияланган.	25,4	0,9	14,6	32,1	169

Бу модел асосида итерацион интерполяция усулини қўллаб, шахар, кишлоқ ва аҳоли пунктларидаги ёнғинларнинг ҳосил бўлиши, тарқалиши билан боғлиқ бўлган аниқ бир масала ҳал этилади.

Тенгламалар тизимини ишлаб чиқариш давомида, массаларнинг сақланиш қонуни, ҳаракатланиш ва энергия миқдорини ифодаловчи тенгламалар шартларини ҳисобга олган ҳолда, ёғочнинг конденсирланган фазадаги ёниш жараёни 4 та компонентдан иборат бўлар экан: дастлабки қуруқ материал, сув, пиролизда ҳосил бўлган конденсирланган (кўмир) маҳсулот, шунингдек ёниш маҳсулоти қулдан иборат бўлади.

Қабул қилинган чегирмалар асосида биз қуйидаги тенгламалар системасига эга бўламиз:

$$\partial \rho / \partial t A + \partial \rho v_j / \partial x_j B = Q, \quad j=1,2,3 \quad (1)$$

$$\varphi \operatorname{grad} C_p = -(\mu / K_s + \beta / v / \sqrt{K_s}) v + \rho F, \quad \varphi = \sum \varphi_i \quad (2)$$

Қуруқ ёғоч лигинин ва целлюлозадан иборатлигини инобатга олиб:

$$dT / dt \sum \rho_i \varphi_i c_i = \partial / \partial x_j (\lambda_{\varphi f j} \partial / \partial x_j) + \partial / \partial x_i (\rho \sum D_{\varphi f \alpha} C_p \alpha \partial c_\alpha / \partial x_j) + \dots (R_{8-} - R_{8+}) \quad (3)$$

$$\rho d\alpha C_\alpha / dt = R_\alpha + \partial / \partial x_i (\rho D_{\varphi f \alpha} + \partial c_\alpha / \partial x_i) - c_\alpha Q, \quad \alpha=1,2,\dots,N \quad (4)$$

$$\sum \rho_i \varphi_i c_{pi} \partial T_s / \partial t = \partial / \partial x_i (\lambda_{si} \partial T_s / \partial t) + q_{1s} R_{1s} - q_{2s} R_{2s} + \dots \alpha_v (T - T_s) \quad (5)$$

$$\rho_1 = \partial \varphi_1 / \partial T = -R_{1s}; \quad \rho_2 = \partial \varphi_2 / \partial T = -R_{2s}; \quad \rho_3 = \partial \varphi_3 / \partial T = -R_{3s}; \quad \dots \alpha_4 R_{3s} - R_{7s} = R_{4s} \quad (6)$$


$$\sum C_\alpha = 1; \quad \sum \varphi_i = 1 \quad (7)$$

$$P = \rho_r RT \sum C_{\alpha r} / M_\alpha; \quad N_r = N - 3 \quad (8)$$

$$Q = (1 - \alpha_c) R_{1s} + R_{2s} + M_c / M_1 R_{3s} + R_{6s} + R_{7s} + R_{8s} \quad (9)$$

тенгламани ҳосил қиламиз.

Узатиш коэффициенти, термофизик ва термокинетик константаларга эга эканлигини ҳисобга олиб, шунингдек якуний ёғоч қатламидаги гомоген кимёвий реакцияларни қуйидагича ифодаласа бўлади:



Бу реакциялар учун кимёвий кинетика реакцияси қуйидагича ифодаланади:

$$dy_1 / dt = -K_1 X_1 X^{0,25}_3 T^{2,25} \exp(-E_1 / RT) = \Gamma_1 \quad (11)$$

$$dy_2 / dt = -K_2 X_3 X^{0,25}_5 T^{2,25} \exp(-E_{2s} / RT) = \Gamma_2$$

Боғланган сувни кўп фазали ёниш муҳитида буғланишини аниқлаш учун R_{2s} Герц – Каман қонунидан фойдаланамиз:

$$R_{2s} = S_2 P_2 A_3 \varphi_2 [K_{2s} \exp(-E_{2s} / RT) - P_2] / (2\pi RT_2 M_2)^{0,5} \quad (12)$$

Сув буғининг ёғочдаги парциал босимини P_v аниқлаш учун (12) Дальтон қонунидан фойдаланамиз. У ҳолда P_2 учун қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$$P_0 = P_{c2} M / M_2 \quad (13)$$

Диффузиянинг эффектив коэффицентлари учун Фристром–Каман формуласидан фойдаланамиз:

$$D_\alpha = (1 - c_\alpha) (\sum x_i / d\alpha_j)^{-1} \\ d\alpha_j = 1,66 \cdot 10^{-7} [(M_\alpha + M_j) / M_2 + M_j]^{0,5} T^{1,67} / P \sigma^{2+} (\epsilon_{j\alpha} / KT)^{0,17} \quad (14)$$

$$\lambda_j = \lambda_j^0 (0,115 + 0,35 c_r / R), \quad (15)$$

Атмосфера қатламининг ер юзаси қисмида ёғоч материалининг ёниши учун математик моделини ишлаб чиқардик. Бунда ёғочнинг ёниш манбаи

